



Сунъий равища ўстирилган гўшт ва бошка хужайрали технологияларнинг таркалиши бундай махсулотларнинг халоллигига оид жиддий саволларни тугдиради - араб минтакасида гўшт танқислигини тўлдириш учун хужайрали технологияларни жорий этиш тарафдорлари диний жихатдан консерватив ахоли каршилигига дуч келишмоқда.

Сунъий гўшт «пробиркада» хайвон хужайраларини биотехнология, тўқима мухандислиги ва синтетик биологиядан фойдаланган холда етиштириш оркали яратилади. Аслида, лабораторияда етиштирилган гўшт хеч качон тирик хайвоннинг кисми бўлмайди, шунинг учун унинг халоллиги хакида саволлар тугилади.

«Баъзи диндор одамлар бунга карши. Тўгри сўйилмаган гўштнинг пайдо бўлиши гояси диний тафаккур ва таълимотга зид бўлиши мумкин ёки унга мос келиши мумкин», - дейди саноат эксперти Седрик Дау.

Хозирча сунъий равища ўстириладиган гўшт мавзусида аник ва узил-кесил бир фатво чикарilmagan - илохиётчилар эҳтиёткорлик билан ушбу масала бўйича изоҳ беришдан бош тортишди, - деб ёзади IslamNews сайти Arabian Business га хавола килган холда.

«Пробирка гўшти» нинг йирик инвестори, шахзода Холид бин Алвалид бин Талал, ислом олими бўлмаган холда, бундай махсулот шариатга риоя килиш билан боглик муаммоларга дуч келмайди деб хисоблайди. – «Оддий гўштни сўйишдан олдин «бисмиллоҳ»ни айтиш керак. Хужайралар намунасини олишдан олдин хам худди шу нарсани айтишингиз мумкин», - деб таъкидлайди шахзода.

Нима бўлганда хам, Мисрнинг Ал-Азхар ва Амирлик Фатво бўйича бошкаруви тарафидан сунъий гўштларга рухсат берадиган ёки такиклайдиган фатво хали чикарilmagan.